

Хавфни жалб қилувчи даво | Тазкия дарслари (245-дарс)



19:00 / 03.09.2023 3083

Аллоҳ таолодан хавф қилиш икки мақомга тақсимланади:

Биринчи мақом – У Зотнинг азобидан хавф қилиш.

Бу мақомдаги хавф барча халойиқ учун умумий бўлган хавфдир. Бу хавф аслида жаннат ва дўзахга, уларнинг тоатнинг мукофоти ва маъсиятнинг жазоси эканлигига бўлган иймондан ҳосил бўлади.

Мазкур мақомдаги хавф ғафлат ва иймоннинг заифлиги туфайли кучсизланади. Аксинча, хавф қилувчиларнинг ҳолини кўрганда, уларнинг мажлисида ўтирганда ёки хабарларини эшитганда кучланади.

Иккинчи мақом – Аллоҳ таолонинг Ўзидан хавф қилиш.

Бу мақомдаги хавф қалб арбоблари бўлган олимлар ва орифларнинг хавфидир.

Улар Аллоҳ таолонинг сифатларини ва мазкур сифатлар тақозо қиладиган ҳайбат ва хавфни англаб етган зотлардир.

Зотан, Аллоҳ таоло Фотир сурасида:

الْعُلَمَاءُ عِبَادِهِ مِنَ اللَّهِ يَخْشَىٰ إِنَّمَا

«**Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар**», деб марҳамат қилган (28-оят).

Улар Аллоҳ таолонинг

الْمَصِيرُ اللَّهُ وَإِلَىٰ نَفْسِهِ اللَّهُ وَيُحَذِّرُكُمْ

«**Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳлантирур. Ва сўнгги қайтиш фақат Аллоҳгадир**» (Оли Имрон сураси, 28-оят) деган қавлининг сирини яхши биладилар.

Улар Аллоҳ таолонинг

مُسْلِمُونَ وَأَنْتُمْ إِلَّا تَمُوتُونَ وَلَا تَقَارِبُ حَقَّ اللَّهِ أَنْتُمْ أَمْ أَنْتُمْ أَمْ أَنْتُمْ أَمْ أَنْتُمْ

«**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг ва мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг**» (Оли Имрон сураси, 102-оят) деган қавлининг сирини ҳам яхши биладилар.

Машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳу бу оятдаги ҳақиқий тақвони «Аллоҳга итоат этиб, исён этмаслик, Уни эслаш ва унутмаслик, У Зотга доимо шукр қилиб, куфр кетмаслик», деб таърифлаганлар.

Бу мақом олий мақом бўлиб, унда Аллоҳ таолонинг Ўзидан хавф қилинади. Яъни Ундан тўсилиб қолишдан кўрқилади ва Унга қурбат ҳосил қилишдан умидвор бўлинади.

Ушбу кўрқишдан мўминлар оммаси ҳам насибадор бўлиши мумкин. Ким маърифат чўққисини эгалласа, Аллоҳ таолонинг маърифатига эришса, Ундан ўз-ўзидан хавф қиладиган бўлади. Қандайдир муолажага ҳожати қолмайди.

Хавф қилувчиларнинг даражалари:

1. Авомлар даражаси.

Улар азобга дучор бўлишдан ва савобдан маҳрум бўлишдан хавф қиладилар.

2. Хослар даражаси.

Улар итоб ва У Зотнинг қурбатидан узоқлашишдан хавф қиладилар.

3. Хосларнинг хосининг даражаси.

Улар одобсизлик оқибатида жамоли висолидан тўсилиб қолишдан хавф қиладилар.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.